


E-SAYLOV орқали хорижий ОАВ вакилини аккредитациядан ўтказиш учун ариза жўнатиш


Жорий йил Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов жараёнларини бошқаришни автоматлаштириш, ортиқча вақт сарфи ҳамда қоғозбозликни қисқартириш мақсадида “**E-saylov**” ахборот тизими ишлаб чиқилди. Хорижий ОАВ вакиллари сайлов жараёнларининг қай тарзда ўтаётганлигини ёритиб бориш мақсадида ўз вакилларини аккредитациядан ўтказиш учун Ташқи ишлар вазирлигига “**E-saylov**” ахборот тизими орқали мурожаат қилишлари мумкин. Ташқи ишлар вазирлиги хорижий ОАВ вакилларидан келган мурожаатларни тегишли тартибда ўрганиб чиқади ва хорижий ОАВ вакилларини аккредитациядан ўтказиш учун Марказий сайлов комиссиясига тақдимнома киритади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан доимий аккредитациядан ўтган хорижий ОАВ вакиллари қуйидаги кетма кетликда “**E-saylov**” ахборот тизими орқали аккредитациядан ўтиш учун мурожаат қилади:


1. ТИВ масъул ходими томонидан тақдим этилган махсус ҳавола орқали “**E-saylov**” ахборот тизимига кирилади. Ҳосил бўлган ойнадан керакли тилни танлайди.



2. Ҳосил бўлган ойнадан “Янги ариза яратиш” бўлими танланади



3. Биринчи ҳосил бўлган ойнада ОАВ ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар киритиб чиқилади. Барча катакчалар тўлдирилгач “Давом этиш” тугмаси босилади.

A screenshot of a web application form. At the top left is the SAYLOV logo. A progress bar at the top shows three steps: 'Первый шаг' (completed), 'Второй шаг' (current), and 'Третий шаг'. The form is divided into two columns. The left column contains: 'autoFill' label, 'Название организации' (СМИ), 'Адрес СМИ' (SMI city: smi street. 7/24), 'Тип СМИ (Печать, ТВ - радио, Интернет)' (Интернет), and 'Выберите страну' (Ўзбекистон). The right column contains: 'Электронная почта СМИ' (smi@smi.com), 'Официальный сайт СМИ в сети Интернет (при наличии)' (www.smi.com), and 'Телефон' (+998901234567). A 'Продолжить' button is at the bottom right.

4. Кейинги саҳифада аккредитациядан ўтказилаётган ОАВ вакили тўғрисида маълумотлар киритилади. Саҳифа остидаги файл юклаш бандларига ходимнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ҳамда фотосурати юкланади. Барча пунктлар тўлиқ ва тўғри тўлдирилганлигига ишонч ҳосил қилингач “Давом этиш” тугмаси босилади.

-SAYLOV
o'zbekiston

Первый шаг Второй шаг Третий шаг

Фамилия Aliyev	Сотовый телефон +998901234567
Имя Ali	Телефон +998901234567
Адрес в Узбекистане Tashkent, Amir Temur street	Дата рождения 2024-07-30
Постоянный адрес Litva	Место рождения Litva
Гражданство Litva	Электронная почта aliyeva@gmail.com
Пол Мужчина	Должность Reporter

Копия документа, подтверждающего личность работника, представленного на аккредитацию (в формате pdf)
Прикрепленный документ загрузите

16-uzbekiston-respublikasi-olij-mazlisi-konucilik-palatasi-cajlovida-istirok-etis-ucun-siesij-partialar-tononidan-imzolarni-tuplas-va-imzo-varakalari-tugri-tuldirilganligini-teksiris-tartibi-tugrisida-nizom.pdf


5. Агар битта ОАВ ташкилотидан бир нечта ходим аккредитациядан ўтаётган бўлса саҳифа янгилангач ҳосил бўладиган ойнанинг ўнг пастки бурчагидаги **“Фойдаланувчини кўшиш”** тугмаси босилади ва янги киритилаётган ходимнинг маълумотлари киритилади. Энг сўнгида **“Сақлаш”** тугмаси босилади. Шу тариқа барча ОАВ вакиллари киритиб бўлингач **“Давом этиш”** тугмаси босилади.

Электронная фотография работника (на белом фоне, размером 3x4 см, в формате jpeg, размером не менее 100 КБ, плотностью пикселей 600 dpi, должно быть видно лицо и верхняя часть плеч работника)
Прикрепленный документ загрузите

Формат файла должен быть pdf, размер файла не должен превышать 5 МБ.

Назад Продолжить Добавить пользователя

6. Ҳосил бўлган янги ойнада “**Мурожаат рақами**” пайдо бўлади. Ушбу мурожаат рақами орқали ариза ҳолатини текшириш мумкин. Шу сабабли мурожаат рақамини ишончли жойда сақлаб қўйиш тавсия этилади.



Мурожаат Ташқи ишлар вазирлигига томонидан ўрганиб чиқилиб хорижий ОАВ вакилини аккредитациядан ўтказиш юзасидан МСКга тақдимнома киритилганидан сўнг беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилиб, МСК қарори асосида хорижий ОАВ вакилига аккредитациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

Хорижий ОАВ вакили ариза ҳолатини текшириш учун ТИВ масъул ходими томонидан тақдим этилган ҳавола орқали киради ва “**Ариза ҳолатини текшириш**” тугмаси орқали ариза жўнатилаётганда тизим тақдим этган махсус кодлар ёрдамида ариза ҳолатини текшириш мумкин.

